Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

XDP O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2014-yil, 29-noyabr. Shanba • 141-142 (31.889) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕРМИЗ ШАҲРИГА АМИР ТЕМУР ОРДЕНИНИ ТОПШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!

Аввало, бугун сиз, азиз Сурхон воҳаси вакиллари билан дийдор кўришиб, барчангизни соғ-саломат, бардам-бақувват кўриб турганимдан хурсанд бўлганимни билдириб, сизларга, сизлар орқали бутун вилоят аҳлига ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромим, эзгу тилакларимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Сизлар билан қачон учрашмайлик, Сурхондарёнинг бугунги ҳаёти, аҳолининг ҳол-аҳволи, кайфияти, эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш, вилоятнинг келажаги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар учрашувларнинг асосий мавзусини ташкил этиши ҳаммамизга маълум.

Бундай мулоқотларнинг маъно-мазмуни, авваламбор, вилоятни янада ривожлантириш, унинг ноёб ер ости ва ер усти бойликларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, шу юртда яшаётган 3 миллионга яқин аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш билан узвий боғлиқ эканини ҳам барчамиз яхши англаймиз.

Сурхондарё деганда, инсоният цивилизациясининг бешикларидан бири, буюк тарих ва бой меросга эга бўлган қадимий ва бетакрор ўлка кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Афсуски, дунёга қандай тенгсиз маданият дурдоналарини, не-не мумтоз зотларни берган бу замин мустабид тузум даврида собиқ Марказнинг беписанд сиёсати, «Сизларга бўлаверади» деган қараши туфайли узоқ йиллар давомида ривожланишдан ортда қолиб келгани ҳеч кимга сир эмас.

Фақатгина мустақилликка эришганимиздан кейин мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Сурхондарё ҳам ўтган қисқа даврда жуда катта, айтиш мумкинки, илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Бу ҳақда гапирганда, сўнгги йилларда бу ерда ўнлаб замонавий корхоналар, магистраль йўл ва кўприклар, савдо ва маиший хизмат объектлари, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, янги турар жойлар, майдон ва хиёбонлар барпо этилганини таъкидлаш ўринлидир.

Бугунги кунда нафақат вилоят маркази Термиз шаҳри, балки Денов бўладими, Шеробод, Музработ бўладими, бошқа туман марказлари ва қишлоқлар бўладими, барчасининг қиёфаси тубдан ўзгариб, ҳар томонлама обод бўлиб бораётгани ҳаммамизга, аввало, шу заминда яшаётган одамларга, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга катта ғурур ва ишонч бағишламоқда.

Асрий тоғу тошлар, дашту биёбонлар бағрида 223 километрлик Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўлининг барпо этилгани фақат Сурхон воҳаси эмас, бутун мамлакатимиз ҳаётида, ҳеч шубҳасиз, улкан, тарихий бир воқеа бўлди, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган қурувчиларимиз, жумладан, сурхондарёлик бунёдкорларнинг маҳорати билан денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда ўнлаб кўприклар, йўл ўтказгичлар каби ўта мураккаб инженерлик иншоотларини барпо этишга, катта маблағ, куч ва имкониятни, юксак билим ва тажрибани талаб қиладиган шундай йирик ва ноёб лойиҳани амалга оширишга эришганимиз ҳар қандай одамни ҳам қойил қолдириши муқаррар.

Оғир иқлим шароитига қарамасдан, Сурхон воҳаси деҳқон ва фермерларининг кейинги йилларда қўлга киритаётган ютуқлари барчамизни қувонтиради.

Бу ҳақда гапирганда, бугунги кунда юртимизда етиштирилаётган пахта хомашёсининг 10 фоизи, ғалланинг қарийб 8 фоизи мана шу саховатли замин ҳиссасига тўғри келишини алоҳида таъкидлаш лозим. Вилоятда жорий йилда 335 минг тоннадан зиёд пахта, 477 минг тонна ғалла етиштирилгани, сўзсиз, машаққатли ва мардона меҳнат натижасидир.

Фурсатдан фойдаланиб, вилоятнинг миришкор деҳқон ва фермерларига, барча қишлоқ хўжалиги ходимларига фидокорона меҳнатлари учун ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Биз учун энг муҳим, энг устувор вазифа бўлмиш соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлида Сурхондарёда ҳам ўнлаб янги-янги мактаблар, лицей ва коллежлар, санъат ва спорт масканларини, айниқса, Термиз давлат университетининг замонавий, муҳташам биноси каби улкан иншоотларни бунёд этганимиз нафақат вилоят қиёфасини, айни вақтда, одамларимиз, фарзандларимизнинг онгу тафаккурини, бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартиришга хизмат қилаётгани ҳақида ҳар қанча тўлқинланиб гапирсак, арзийди, албатта.

Шулар қаторида Сурхон воҳасининг қадимий ва бетакрор маданияти, урф-одат ва анъаналарини, нуфузли ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан юксак эътироф этилган **номоддий мероснинг** ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш бўйича қилган ишларимиз ҳақида ҳам кўп гапириш мумкин.

Бу борада Ўрта Осиё минтақасида ягона бўлган Термиз давлат археология музейини бунёд этганимиз, «Алпомиш» достонининг 1000 йиллик тўйини, Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейини қандай баланд руҳ ва кўтаринки кайфиятда ўтказганимиз барчамизга мамнуният етказади.

Термиз шаҳрида 2011 йили энг замонавий архитектура талабларига жавоб берадиган муҳташам «Сурхон» спорт мажмуасини воҳанинг ўзига хос табиий ва иқлим шароитини ҳисобга олиб барпо этганимиз шу юртда улғайиб, уни жонидан азиз кўрадиган, жисмоний ва маънавий камолотга интилиб яшаётган минг-минглаб ёшларимиз учун аҳамияти ва моҳиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган катта воқеа бўлганини ҳеч ким инкор этолмайди.

► *Давоми 2-бетда.*

## ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ ЖАМОАСИГА

Азиз дўстлар!

Ҳурматли санъат аҳли!

Авваламбор, Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллик қутлуғ тўйи муносабати билан сиз, муҳтарам театр жамоаси ва мухлисларини, сизларнинг тимсолингизда бутун маданий жамоатчилигимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Маълумки, дунёдаги ҳар қайси халқ, ҳар қайси давлатнинг маънавий тараққиёт даражаси аввало унинг маданияти, санъат ва адабиётида, жумладан, театр санъатида яққол намоён бўлади.

Бугун биз мамлакатимиз тарихидаги унутилмас сана — нафақат юртимиз, балки Туркистон заминидаги биринчи профессионал театрга асос солган Ўзбек Миллий академик драма театрининг юз йиллигини нишонлар эканмиз, унинг шу даврда босиб ўтган мураккаб ривожланиш йўли, эришган ютуқ ва марралари кўз ўнгимиздан ўтиши табиийдир.

Эл-юртимиз бу даврда қандай қийинчилик ва машаққатларни, қувончли ва ташвишли кунларни бошидан кечирган бўлса, уларнинг барчаси ўзбек маданиятининг кўзгуси бўлмиш ушбу театр фаолиятида, унинг саҳнасида намойиш қилинган асарларда ўз аксини топган, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун биз Миллий театримизнинг тамал тошини қўйган, бу йўлда қандай оғир синов ва тўсиқларга дуч келмасин, ўзлигидан, ўз маслагидан қайтмаган, «Театр — бу ибратхонадир» деган ҳикматга амал қилиб, маънавий жасорат намунасини кўрсатиб яшаган Беҳбудий, Мунавварқори, Авлоний, Чўлпон сингари маърифатпарвар боболаримиз, саҳна санъати фидойиларининг сўнмас хотираси олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Мустабид тузум мафкурасининг тазйиқларига қарамасдан, гуманистик ғоялар, юксак ижодий принципларга содиқ қолган Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Олим Хўжаев, Аброр Ҳидоятов, Наби Раҳимов, Шукур Бурҳонов, Обид Жалилов, Сора Эшонтўраева, Зайнаб Садриева, Тошхўжа Хўжаев, Александр Гинзбург, Ғани Аъзамов каби ўнлаб атоқли ижодкорларнинг номларини миннатдорлик билан эслаймиз.

Бу мўътабар саҳнада яратилган Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби буюк аждодларимизнинг барҳаёт сиймолари минг-минглаб томошабинларга инсонийлик, адолат ва эзгулик, меҳр-оқибат, олижанобликдан сабоқ бергани, уларни гўзаллик ва нафосат оламига ошно этиб келаётгани таҳсинга лойиқдир.

Бугунги кунда биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш йўлида бошқалар ҳавас қиладиган қандай катта натижаларга эришган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, бу борада театр санъати, хусусан, Ўзбек Миллий академик драма театрининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айни шу боис бундан ўн уч йил муқаддам ушбу ижод даргоҳига Ўзбек Миллий академик драма театри деган юксак мақом берилгани унинг тарихида янги саҳифани бошлаб берди, десам, ўйлайманки, барчангизнинг фикрингизни ифода этган бўламан.

Юбилей муносабати билан академик театр биноси тубдан капитал таъмирлангани, энг замонавий техник воситалар билан жиҳозлангани, Миллий театримиз бутунлай янгича қиёфа касб этиб, дунёдаги ривожланган давлатларнинг санъат масканлари билан беллаша оладиган даражага етгани барчамизга мамнуният бағишлайди.

Азиз санъаткорлар!

Бугун биз бунёд этаётган янги ҳаёт, янги жамиятнинг маънавий асосларини янада мустаҳкамлашда сизлар яратган ва келгусида яратадиган ранг-баранг асарларни миллионлаб санъат ихлосмандлари ҳайрат ва ҳаяжон билан томоша қилишини, умр йўлларида барчамиз дуч келадиган, ҳар бир инсонни ўйлантирадиган мураккаб саволларга театр ибрати орқали жавоб топишни истаймиз.

Бу ҳақда гапирганда, халқимиз театр саҳнасида бугунги ҳаётимизни теран акс эттирадиган, турли синовларда тобланган, ўз келажагини ўз қўли, ўз меҳнати билан яратаётган, Ватан тақдирини ўз тақдири деб биладиган фидойи инсонлар — замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини ёрқин ифода этадиган янги асарларни орзиқиб кутаётганини яна бир бор таъкидлаш ўринлидир.

Сиз, азизлар мамлакатимиз театр санъатининг энг яхши анъаналарини бойитиб, янги авлодларга безавол етказасиз, юксак бадиият ва ҳаққонийлик, эзгу мақсадларга хизмат қилиш руҳи билан суғорилган етук асарларингиз билан халқимиз, аввало, ёшларимизнинг маънавий оламини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшасиз, деб ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Барчангизни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор табриклар эканман, сизларга янги-янги ижодий ютуқлар, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат тилайман.

Мухлисларингиз, санъатсевар халқимизнинг меҳри ва эътибори сизларни ҳеч қачон тарк этмасин.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ

## МАЪНАВИЯТ МАСКАНИНИНГ ҚУТЛУҒ ТЎЙИ

***Пойтахтимизда 28 ноябрь куни Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.***

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 22 январдаги «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз маданий ҳаётида унутилмас воқеалардан бўлди. Ушбу ҳужжат театр жамоасининг нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасида профессионал театр санъатига асос солиш ва уни ривожлантириш, халқимизнинг бой маданий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодни эзгу қадриятлар, ватанпарварлик, фидойилик руҳида камол топтириш, ёш истеъдодларни тарбиялаш борасидаги улкан хизматларининг ёрқин эътирофидир.

2



## ТЕРМИЗ ШАҲРИГА ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 22 августдаги Фармонига мувофиқ Термиз шаҳри Амир Темур ордени билан мукофотланган эди. 28 ноябрь куни Термиз шаҳрида ушбу юксак мукофотни топширишга бағишланган тантанали маросим бўлди.**

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Термиз шаҳрининг шонли тарихи, истиқлол йилларидаги тараққиёти, мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида тутган ўрни, Сурхондарё вилояти меҳнаткашлари қўлга киритаётган улкан ютуқлар ҳақида тўхталди.

Бу замин халқининг юксак маданияти, ҳунармандлик ривожи ва савдо алоқалари Жайхун бўйида қадим Термиз шаҳрини вужудга келтирган. Буюк ипак йўли марказида жойлашган шаҳар турли маданият ва халқларни ўзаро боғловчи муҳим қўрғон бўлган.

Истиқлол туфайли Термиз шаҳрининг шону шавкати тикланди, улкан маънавий ва иқтисодий салоҳияти юзага чиқди.

Юртбошимиз раҳнамолигида маънавиятимизни юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида миллий қадрият ва анъаналаримиз, буюк аждодларимизнинг номи қайта тикланди, улар мангу қўним топган муқаддас қадамжолар ободонлаштирилди. Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Султон Саодат, Кокилдор ота ёдгорлик мажмуалари таъмирланди.

► *Давоми 2-бетда.*

МУНОСАБАТ

**Тўғрисини айтай, мукофотланганимни эшитиб қаттиқ ҳаяжонландим. Хаёлим беихтиёр узоқ-узоқларга кетди. Менга меҳрибонлик билан устозлик қилган, актёрлик сирларини ўргатган устозларим, театр санъатининг фидойилари кўз олдимдан бир-бир ўтди... Мен санъатда, ҳаётда нимага эришган бўлсам, аввало устозларимнинг хизмати, деб биламан.**

## Юксак эътирофнинг масъулияти

Ҳар бир киши меҳнати эътироф этилса, қувонади албатта. Аммо эътирофнинг ўзига яраша масъулияти ҳам бор. Ўзим ҳам буни юрак-юракдан ҳис этдим.

Халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, ёш авлод қалби ва онгига эзгулик ғояларини сингдиришда театр санъати алоҳида ўрин тутади. Президентимиз томонидан санъатни, хусусан, театр санъатини ривожлантиришга берилаётган катта эътибор замирида ҳам халқимиз маданиятини юксалтиришдек улуғ мақсад мужассам. Бугун республикамизнинг чекка қишлоқларида ҳам замонавий санъат масканлари барпо этилмоқда. Ёшларимиз илмда ҳам, санъат ва спортда ҳам жаҳон аҳлини лол қолдиряпти. Бу ютуқлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, кўрсатилаётган эътибор, қилинаётган ишларнинг улкан самарасидир. Юртбошимизнинг ҳаёт синовларида тобланган фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарларни саҳнага олиб чиқиш, фарзандларимизнинг маънавий дунёсини мустаҳкамлайдиган, келажакка ишончини оширадиган, ориятини кучайтирадиган замонавий қаҳрамонлар яратиш кераклиги тўғрисида қилган даъватини театримиз жамоаси ўзининг асосий вазифаси сифатида қабул қилган. Бу эзгу мақсад йўлида мен ҳам бор кучим ва истеъдодимни аямайман. Камтарона меҳнатимга берилган юксак баҳо мени янги-янги ижодий ишларга руҳлантиради.

**Фатхулла МАСУДОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби, ЎзХДП аъзоси.**

*Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳолининг манзилли ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришни янги босқичга кўтариш тарафдоридир!*

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси номзодларига овоз беринг!**

3 4 5 6

Термиздек буюк шаҳарларни бунёд этган халқимиз доимо омон бўлсин!

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕРМИЗ ШАҲРИГА АМИР ТЕМУР ОРДЕНИНИ ТОПШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Бугунги кунда бу ерда «Баркамол авлод» спорт ўйинлари, кураш бўйича жаҳон чемпионати каби йирик ва нуфузли беллашувлар мунтазам ўтказилмоқда, бу ноёб мажмуа қанчадан-қанча ёш спортчиларимиз учун парвоз майдони бўлиб хизмат қилмоқда.

Мен илгари ҳам айтган бир фикрни яна такрорлашни жоиз деб биламан: нафақат юртимизда, балки бутун минтақамизда маълуму машҳур бўлган «Алпомиш»дек қаҳрамонлик достонининг айнан Сурхон заминида яратилгани асло тасодиф эмас.

Агар мендан, энг кучли, энг бақувват полвонлар қаерда яшайди, деб сўраса, ҳеч иккиланмасдан, аввало Сурхондарёда, деб айтган бўлардим.

Ўзбек курашининг ватани, макони ҳам аслида Сурхон воҳасидир. Ҳаммамиз яхши биламизки, мана шу кураш беллашувларида «ҳалол» деган сўз энг олий баҳо сифатида янграйди. Шахсан менга бу ибора бамисоли бутун халқимизга, жумладан, Сурхон элига мансуб энг улуғ фазилатни ифода этаётгандек бўлиб туюлади.

Азиз дўстлар, чиндан ҳам Сурхон элининг лафзи ҳалол, меҳнати ҳалол эканини тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам кўп-кўп мисоллар яққол тасдиқлайди. Бундай мард инсонларнинг табиатида сира ғирромлик бўлмаган, чала иш бўлмаган.

Умуман айтганда, Сурхон заминида вояга етган, унинг ғурур ва ифтихорини улуғлаб, бу юртни бутун дунёга танитиб келаётган, Яратганимиз ато этган куч-қуввати, истеъдоди ва маҳорати билан узоқ ва яқин мамлакатларда шуҳрат қозонган спортчи ўғил-қизларимиз халқимизнинг ҳурматига сазовор бўлиб келмоқда.

Шулар қаторида Абдулла Тангриев, Давлат Чориев, Санжар Тўхташев, Гўзал Эгамова, Суҳроб Турсунов, Барно Мирзаева, Яҳё Имомов, Раъно Абдуҳалимова, Шоҳиста Сафарова каби ўнлаб азму шижоатли ёшларимиз бугунги кунда ўзбек спортининг, ўзбек халқининг довруғини бутун дунёга таратаётгани барчамизни хурсанд қилади.

«Алпомиш» достонининг қутлуғ тўйида мен Сурхон воҳасининг кураги ерга тегмаган паҳлавонларига чин қалбдан ҳурматимни билдириб, машҳур Тоштемир полвонни бағримга босиб, даст кўтарганимни ҳозир ҳам катта завқ билан эслаб юраман.

Буларни барчасининг замирида фақат битта нарса, яъни самимийлик, бир-биримизни яқин кўриш, бир-биримизга ҳурмат ва эҳтиром мужассам, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Кейинги йилларда Сурхондарёда, унинг маркази Термиз шаҳрида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилаётгани, аввало, заҳматкаш Сурхон аҳлининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида янги-янги уй-жойлар, инфратузилма объектлари барпо этилаётгани натижасида шаҳарнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётганини барчамиз мамнуният билан эътироф этамиз.

Буни сўнгги пайтда вилоятда намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда 3 минг 772 та шинам уй-жойлар қурилгани, биргина Термиз шаҳрида маҳаллий шароитга ҳар томонлама мос бўлган, 1 минг 41 та квартирадан иборат 36 та замонавий кўпқаватли уйлар бунёд этилгани ҳам тасдиқлайди.

Айни вақтда шаҳарни кўкаламзорлаштириш, ноёб манзарали дарахтларни танлаб экиш ва парвариш қилиш, яшил ҳудудларни кўпайтириш ҳисобидан бутун шаҳар яшил либосга бурканиб, барчанинг кўзини қувонтирадиган, ҳавасини тортадиган бетакрор қиёфа касб этгани жанубнинг жазирама қуёши остида яшайдиган одамларга қандай қулайлик туғдирганини тасаввур қилиш қийин эмас, деб ўйлайман.

Азиз дўстлар!

Сурхон воҳасининг кўҳна тарихи, минг йиллар давомида шу заминда ётган ва бугун ўзбек олимлари билан бирга турли мамлакатлардан келган олимларнинг археологик қазишмалари, илмий изланишлари натижасида очилаётган ва илму фан оламини ҳайратда қолдираётган ноёб ашёлар, қадимий маданият ёдгорликлари бу тупроқ ўз бағрида ҳали қанча-қанча сирларни сақлаб келаётганидан далолат беради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мисол учун, эрамиздан аввалги I минг йиллик ўрталарида Бақтриянинг биринчи подшоси Зороастр Термиз шаҳрига асос солган. Термиз дастлаб Тарамата деб аталган.

Шаҳарнинг ғоят қулай географик шароити, Шарқни Ғарб билан боғлайдиган савдо чорраҳасида жойлашгани унинг тез суръатлар билан ривожланишига замин яратди. Шу боис турли-турли босқинчилар Термизни қўлга олиш, унга эгалик қилишга доимо интилиб келган.

Эрамиздан аввалги 327 йилда Александр Македонский, яъни бизнинг тилимизда Искандар Зулқарнай шаҳарни босиб олиб, унга Александрия номини берган. Термиз қалъаси милоддан аввалги даврларда Юнон-Бақтрия давлати, Кушонлар империяси, милоддан кейинги V-VI асрларда Эфталитлар, Сосонийлар ҳукмронлиги остида бўлган. VIII аср бошида эса бу ерни араблар забт этган.

Термиз тарихи ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, бу шаҳар унинг тарихига ёрқин саҳифалар битган Амир Темур бобомизнинг муборак номи билан чамбарчас боғланиб кетганини эсга олишимиз табиийдир.

Термиз шаҳри Соҳибқирон бобомиз Турон заминида барпо этган буюк ва қудратли давлатнинг мустаҳкам қўрғонига, салтанат таянчига айланган.

Бугунги кунда бу ерда яшаётган барча-барча инсонлар Сурхон тарихининг ана шундай шонли саҳифаларини ғурур ва ифтихор билан эслайди.

Барчамиз учун муқаддас бўлмиш Термиз тупроғида қандай улуғ алломa ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар яшагани, улар Термизий деган ном билан ислом дунёсида қандай ёрқин из қолдирганлари ҳаммамизга яхши маълум.

Ҳақиқатан ҳам, бу табаррук диёрдан етишиб чиққан буюк аллома Ҳаким Термизий, дунёдаги энг ишончли олтита ҳадис тўпламларидан бирини яратган машҳур муҳаддис Абу Исо Термизий, теран мазмунли асарлари билан Шарқда ном қозонган Адиб Собир Термизий, ислом фалсафаси ривожига муносиб ҳисса қўшган Абу Бакр Варроқ Термизий каби мумтоз зотлар нафақат халқимиз, балки бутун мусулмон оламининг фахру ифтихори ҳисобланади.

Бу заминнинг уруш ва босқинлар туфайли неча бор вайрон бўлиб, култепалар узра неча бор қайта тиклангани ҳақида ҳам албатта кўп гапириш мумкин. Лекин барчамизга чексиз ифтихор етказадиган ҳақиқат шуки, бу ерни ўзига муқаддас макон деб билган жасур аждодларимиз ёвларга ҳеч қачон бош эгмаган.

Буюк тарихчи аллома Шарафиддин Али Яздий машҳур «Зафарнома» китобида Термиз аҳлининг мўғул босқинчиларига матонат билан, қаҳрамонларча қаршилик кўрсатганини тасвирлар экан, бу шаҳарни «Мардлар шаҳри» деб атаганида чуқур ҳаётий ҳақиқат мужассамдир.

Мустақиллик йилларида Термиз ҳар томонлама обод бўлиб, Ўзбекистонимизнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига, юртимизнинг жанубий сарҳадларидаги бош истеҳкомига, мустаҳкам дарвозасига айланди.

Бугунги кунда Термиз шаҳри нафақат Сурхон воҳаси, нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё минтақасининг иқтисодий, маданий ва коммуникация марказларидан бири десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Муҳтарам юртдошлар!

Биз бугун қандай мураккаб ва таҳликали замонда яшаётганимизни, дунёда нотинчлик ва қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётганини ҳаммангиз яхши биласиз. Айниқса, бизнинг ҳудудимизда, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар – бу Афғонистонда 35 йилдан буён давом этаётган уруш экани ҳеч кимга сир эмас.

Биз Афғонистон халқи билан неча-неча асрлардан буён ёнма-ён қўшни бўлиб, аҳил ва иноқ яшаганмиз. Қиз бериб, қиз олиб, қуда-андачилик қилиб келганмиз. Амударёнинг икки томонида туриб бир-биримизнинг ҳолимиздан доимо хабардор бўлиб турганмиз. Шунинг учун ҳам, афғон фожиасини бошқалардан ҳам кўра унга яқин бўлган бизнинг халқимиз хаёлидан, юрагидан мутлақо бошқача ўтказади. «Қўшнинг тинч – сен тинч» деган нақл албатта бежиз айтилмаган.

Мен ўзимнинг жуда кўп чиқишларимда, жумладан, нуфузли халқаро минбарлардан туриб, жаҳон ҳамжамияти вакилларига мурожаат қилиб, афғон можаросини ҳарбий йўл билан ҳал этишнинг имкони йўқ, деб очиқ айтганимни, ўйлайманки, сизлар яхши биласиз.

Агар афғон халқининг ўзига қўйиб берса, шак-шубҳасиз, бу уруш ҳеч қачон бунча узоқ давом этмасди. Афғон халқи – кўпни кўрган халқ. Бу халқ ҳам биз каби доимо тинчлик ва омонликни, оиласини тинч меҳнат билан боқишни, болаларининг бахтини кўришни хоҳлайди.

Шундай экан, нима учун шунча вақтдан буён бу ерда уруш бормоқда? Бунга сабаб албатта кўп, лекин энг асосий сабаб – бу Афғонистонда урушни давом эттириш кимгадир керак. Бу урушни давом эттиришга уринаётганлар, биринчи навбатда, афғон халқининг манфаатини эмас, балки ўз манфаатини кўзлайди. Минг афсуски, дунёда мана шундай сиёсий ўйинлар тўхтамаяпти.

Афғон заминида урушни давом эттириш тарафдори бўлган кучлар «Йиқилган курашга тўймас» деган мақолни ҳеч қачон эсидан чиқармаслигини истардим. Жафокаш афғон юртига турли кучлар келади-кетади, афғон халқи эса абадий қолади. **Бу халқни зўравонлик билан бўйсундириб бўлмаслигини XIX асрдан бошлаб бугунги кунгача баъзи йирик давлатларнинг бу ерга қурол билан келиб, охир-оқибатда енгилиб кетгани ҳам яққол кўрсатиб турибди.**

Таассуфки, бугунги кунда фақат ҳарбий кучга таяниб сиёсат олиб бораётганлар бу ҳақиқатни тушунмаяпти.

Мана, яқинда Афғонистонда Президент сайлови бўлиб ўтди. Бу давлатнинг янги раҳбарлари иш бошлади. Лекин мамлакатдаги вазият эртага қайси томонга ўзгаради, деган савол, афсуски, ҳамон очиқлигича, мавҳумлигича қолмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, «АЙСАФ» деб ном олган халқаро тинчликпарвар кучларнинг бу жафокаш заминда давом этаётган тўқнашувларни бартараф этишни охирига етказмасдан туриб ва қарама-қарши кучларни муросага келтирмасдан туриб, Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши бу минтақада тинчлик ва осойишталик ўрнатишга олиб келиши гумон, деб ўйлайман.

Мана шундай мураккаб бир вазиятда Ўзбекистоннинг бу масала бўйича позициясини яна бир бор эслатиб ўтишни зарур, деб ҳисоблайман.

Бу борадаги бизнинг ёндашувимиз, сиёсатимиз аниқ ва равшан: биз ён қўшнимиз бўлган Афғонистон давлатининг ички ишларига аралашмаслик, афғон халқи ишонч билдириб сайлаган ҳукумат билан ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, тинч-тотув бўлиб яшашни ўзимизга маъқул деб биламиз.

Тинчлик ҳақида, осойишталик ҳақида гапирганда, юртимиздаги ҳар қайси одам аввало ўз ишончини жанубий чегараларимизда Ватаннинг содиқ посбони бўлиб турган Термиз аҳлига, Сурхон воҳасининг мардларига қаратади.

Чунки тарихнинг ўзи Термиз шаҳрига, унинг жасур халқи зиммасига юртимиз тинчлиги ва озодлиги йўлида метиндек мустаҳкам қўрғон бўлиш каби оғир ва масъулиятли вазифани юклаган. Ва сизларнинг барчангиз бу муқаддас вазифани бугунги таҳликали даврда ҳам шараф билан адо этиб келмоқдасиз, десам, ўйлайманки, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Бундай юксак ишонч сўзларини давом эттириб, шу тупроқда, шу заминда хоклари ётган улуғ аждодларимизнинг хотираси олдида, мана шундай буюк ўтмишнинг ворислари бўлмиш халқимиз олдида бош эгиб таъзим қилишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Қадрли юртдошлар!

Энди рухсатингиз билан менга юклатилган шарафли ва қувончли бир вазифани адо этишга ўтсам.

Мустақиллик йилларида шаҳар аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда эришган муваффақиятлари, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, халқимизнинг тарихий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ёшларимизни улуғ аждодларимизга хос эзгу қадриятлар, мардлик ва жасорат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун берилган Амир Темур орденини катта мамнуният билан Термиз шаҳрига топширишга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам дўстлар!

Термиз шаҳрининг мана шундай юксак давлат мукофотига сазовор бўлишида сиз азизларнинг, шу гўзал юртга фарзандлик меҳри ва садоқатини бериб яшаётган, ўз тақдири ва келажагини ўз қўли, фидокорона меҳнати билан яратаётган эзгу ниятли, олижаноб барча инсонларнинг ҳиссаси ва хизмати беқиёсдир, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

**Бугун нафақат Термиз аҳли учун, айтиш мумкинки, бутун Ўзбекистонимиз учун катта байрам.** Қадимий ва навқирон Термиз шаҳри ҳаётидаги бу қутлуғ кун, ҳеч шубҳасиз, унутилмас бир воқеа бўлиб тарихда қолади ва барчамизни янги-янги уфқларга даъват этади.

Мамлакатимизнинг барча навқирон ёшлари қаторида сурхондарёлик ўғил-қизларимга – менинг болаларимга айтадиган даъватим шуки, сизлар бугун Амир Темур орденига сазовор бўлган шаҳарлар сафига қўшилган **Термиздек ўтмиши буюк, келажаги шарафли шаҳарда, қандай ноёб, Худонинг назари тушган муқаддас заминда яшаётганингизни асло унутманг, ота-боболаримизнинг шаъну шавкатига доимо муносиб бўлинг.**

Сизларни яна бир бор бағримга босиб, азиз фарзандларимиз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмайди, биз бошлаган буюк ишларни давом эттиради, барча соҳаларда энг юксак марраларни албатта забт этади, деб катта ишонч ва ғурур билан айтмоқчиман.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Мана шу унутилмас лаҳзаларда сизларни, бутун Сурхон аҳлини давлатимизнинг юксак мукофоти билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик ва қут-барака тилайман.

Юртимизнинг фахру ифтихори бўлмиш Термиз шаҳри дунё тургунча турсин!

Термиздек буюк шаҳарларни бунёд этган халқимиз доимо омон бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

**ЎзА**

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

***Янги бунёд этилган темир йўл бекати, Тадбиркорлар маркази биноси, Археология музейи, амфитеатр Термиз шаҳрининг чиройига чирой қўшди. Замонавий «Бахт уйи» мажмуаси, Термиз давлат университетининг муҳташам биноси, 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, «Дельфин» сузиш ҳавзаси, тиббиёт ва маданият масканлари, турар-жойлар вилоят маркази қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.***

## ТЕРМИЗ ШАҲРИГА ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

Бугунги кунда ҳам Термиз шаҳрида замонавий корхоналар, коммуникация тармоқлари, инфратузилма объектлари, янги мактаблар, лицей ва коллежлар, спорт мажмуалари бунёд этилиб, шаҳар янада гўзал ва обод бўлиб бормоқда. Кейинги йилларда фойдаланишга топширилган йирик саноат корхоналари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш иншоотлари вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига катта ҳисса қўшмоқда.

Бу йил Сурхондарё аҳли учун яна бир унутилмас йил бўлди. Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонига мувофиқ мустақиллик йилларида шаҳар аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда эришган муваффақиятлари, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, халқимизнинг тарихий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ёшларимизни улуғ аждодларимизга хос эзгу қадриятлар, мардлик ва жасорат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги катта хизматлари учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Термиз шаҳри Амир Темур ордени билан мукофотланди.

Термиз шаҳри Ватанимизнинг бу юксак мукофоти билан тақдирланишида чуқур рамзий маъно бор. Термиз барча замонларда ёв қаршисида метин қўрғон вазифасини ўтаб келган. Бу заминда мард ва танти, Ватани учун жонини ҳам фидо этишга тайёр ориятли халқ яшайди.

Президентимиз Ислом Каримов ушбу юксак мукофот — Амир Темур орденини топширди.

Маросимда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раисининг ўринбосари Орзиқул Соатов, Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори Шоҳида Орипова, кураш бўйича жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид сўзга чиқиб, Термиз шаҳрини Ватанимизнинг юксак ордени билан мукофотлагани, Сурхондарё вилояти ривожига қаратаётган эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

**А.САМАДОВ,**
**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

**ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ**

## МАЪНАВИЯТ МАСКАНИНИНГ ҚУТЛУҒ ТЎЙИ

Шу қутлуғ санага бағишланган тадбирга вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олий таълим даргоҳлари профессор-ўқитувчилари, санъат ва маданият намояндалари, ижодкор зиёлилар, талаба-ёшлар, мухлислар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбек Миллий академик драма театри жамоасига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Мамлакатимизда театрлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси юксак инсоний ғояларни тарғиб этувчи, замонамиз қаҳрамонлари образи яратилган мукаммал саҳна асарларини яратишдек долзарб вазифани ижодкорлар зиммасига юкламоқда.

Президентимиз қарори ижроси бўйича капитал таъмирланган Ўзбек Миллий академик драма театри биноси санъат ихлосмандлари, театр фидойилари, кенг жамоатчилик учун ўзига хос туҳфа бўлди.

Театр биносининг ташқи қисми, томоша залидаги ўриндиқлар, саҳна остидаги ҳаракатлантирувчи механизмлар тўлиқ янгиланди. Саҳнада махсус эффектли ёритгичлар, овоз кучайтириш ускуналари, томошабинларга янада қулайлик яратиш мақсадида залда иккита йирик монитор ўрнатилди. Кичик зал драматурглар, режиссёрлар билан ижодий учрашувлар, талаба-ёшлар учун маҳорат сабоқлари, уларнинг илк ижодий ишлари намойишини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Театр музейи янги экспонатлар, саҳна санъати ривожига юксак ҳисса қўшган актёрлар, режиссёрлар, театр рассомлари, пардоз, грим ва декорация усталарининг портретлари, шахсий буюмлари, китоблар, қимматли фотосуратлар билан бойитилган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 27 ноябрдаги «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги муносабати билан театр ижодкорларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига кўра ижодий жамоанинг бир гуруҳ ходимлари Ватанимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Тадбирда Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Маросимда театр директори М.Исмоилов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон халқ артисти М.Холиқова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист А.Набиев, «Дўстлик» ордени соҳиби, театр рассоми С.Цой ва бошқалар миллий маънавиятимиз, маданиятимиз ва санъатимиз ривожи йўлидаги улкан эътибори учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди. Давлатимиз раҳбарининг театр юбилейи муносабати билан йўллаган табриги театр жамоасининг қалбини фахр-ифтихорга тўлдиргани таъкидланди.

— Юртимиздаги тинч-осойишта ҳаёт, маънавий-маърифий соҳалардаги буюк ўзгаришлар театр санъати ривожида ҳам асосий омил бўлмоқда, — дейди Ўзбекистон халқ артисти, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби Тўти Юсупова. — Камтарона меҳнатим юксак қадр ва эъзоз топганидан ғоят мамнунман. Биз — санъаткорларга қаратаётган иззат-эҳтироми, ёшлар маънавиятини юксалтириш, театр ижодкорларини янги парвозлар сари руҳлантириш борасида кўрсатаётган улкан ғамхўрлиги учун Президентимиздан беҳад миннатдормиз.

Бадиий кечада Миллий театрнинг 100 йиллигига бағишлаб киноижодкорлар томонидан яратилган ҳужжатли фильм, вилоятлар ва пойтахтимиздаги театр жамоалари, санъат усталари иштирокида тайёрланган театрлаштирилган мусиқий дастур намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида «Ўзбекистон театр санъати: тарих, тараққиёт ва истиқбол» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Фанлар академияси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, театршунос олимлар, профессор-ўқитувчилар, драматурглар, режиссёрлар, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири вазифасини бажарувчи Б.Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти Б.Абдуҳалимов, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Б.Сайфуллаев, Ўзбекистон халқ артисти Т.Азизов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий театр санъатимизни ривожлантириш борасидаги эзгу ишлар кўлами кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Ўтган йиллар мобайнида Миллий театримизда саҳналаштирилган кўплаб асарлар халқимиз қалбидан жой олди.

Конференцияда драматургия ва театр репертуари, Миллий театр режиссураси истиқболлари каби мавзулардаги маърузалар тингланди.

Анжуман доирасида «Ўзбек Миллий академик драма театри» китоб-альбомининг тақдимоти бўлиб ўтди. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйида чоп этилган ушбу китоб-альбом ўқувчиларнинг театр тарихига оид билимини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

*Наманган вилояти*

## Шукуржон КЕНЖАБОЕВ

*(39-Дўстлик сайлов округи)*



**1963 йилда Чортоқ туманида туғилган. Ҳозирги Тошкент давлат техника университетини тамомлаган. Мутахассислиги – муҳандис-механик. Техника фанлари номзоди.**

Меҳнат фаолиятини Наманган шаҳридаги ғишт заводлари бошқармасига қарашли таъмир-механика цехида бошлаган. 1985-1990 йилларда шу бошқармада таъмир-механика цехи бошлиғи, карьер бошлиғи лавозимларида меҳнат қилган.

1994 йилдан Наманган муҳандислик-педагогика институтида ассистент, 1994-2008 йилларда катта ўқитувчи, кафедра мудири, факультет декани муовини лавозимларида меҳнат қилган. 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси танлови ғолиби.

2008-2011 йилларда Наманган муҳандислик-педагогика институти механика факультети декани, Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор лавозимларида ишлаган.

Номзод ўз сайловолди дастурида таълим олиш ва касб-ҳунар ўрганишнинг адолатли ва ижтимоий жиҳатдан мақбул тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифларини илгари сурган.

– Ўрта махсус ва олий таълим муассасалари битирувчилари учун квоталанган иш ўринларини ташкил этиш механизмини ишлаб чиқиш, кўп болали, ижтимоий ёрдамга эҳтиёжманд оилаларнинг тўлов-контракт асосида ўқиётган фарзандлари учун имтиёзли таълим кредитлари бериш тизимини янада такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири, – дейди у. – Агар сайловчилар менга ишонч билдириб, депутат этиб сайлансам, партия сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда, ушбу масалалар қонунчилигимизда ўз ифодасини топиши учун курашаман. Мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхона ва ташкилотлар эҳтиёжи учун мутахассис кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртларига грантлар ажратилишини қўшимча рағбатлантириш масалалари ҳам доимий эътиборимда бўлади.

Номзод бугунги долзарб масалалар ечими устида фикр юритмоқда. Жамиятдаги муаммоларни теран билиш, уларни ҳал этиш бўйича таклифлар билдириш учун кишида чуқур билим, ҳаётий тажриба бўлиши керак. Шукуржон Кенжабоевда бу имкониятлар етарли.

## Насиба ДАДАБАЕВА

*(40-Сардоба сайлов округи)*



**1969 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Андижон давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Мутахассислиги – врач-педиатр.**

Меҳнат фаолиятини 1992 йилда Наманган шаҳар 1-туғуруқхонасида бошлаган. 1993-2006 йилларда Наманган шаҳар 2-туғуруқхонасида врач неонотолог, шаҳар 2-болалар поликлиникасида болалар врач педиатри вазифаларида ишлаган. 2006 йилдан 9-оилавий поликлиникада бош врач ўринбосари.

Фаолияти давомида поликлиника худудига қарашли аҳоли ўртасида аҳолини репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини оширишга катта ҳисса қўшиб келаяпти.

У мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида сифатли тиббий хизмат тизимини назоратга олиш баркамол авлод тарбиясида катта аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди. Шу боис сайловолди дастурида бу каби масалаларга алоҳида ўрин ажратган.

– Хотин-қизлар, айниқса, меҳнат билан банд аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя этишни ўзимга мақсад қилиб қўйганман, – дейди у. – Чунки ишлаб чиқаришда санитария-гигиена шароитларини яратишга барча корхона ва ташкилотларда ҳам етарли эътибор берилаяпти, деб бўлмайди. Назаримда Қонунчилик палатасининг қўмиталари мазкур масалалар билан бевосита шуғулланишлари, тегишли ташкилот ва идораларнинг бу борадаги фаолияти устидан мониторинг ўтказиб, аҳволни яхшилаш учун зарур чоралар кўришлари, керак бўлса, депутатлар қонунчилик ташаббуслари билан чиқишлари лозим. Агар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлансам, оила, хотин-қизлар, болалар ҳуқуқларига доир қонунлар ижросини таъминлашда депутатлар масъулияти, тарғиботчилик-ташкилотчилик фаолиятини кучайтиришга оид таклифларни илгари сурмоқчиман.

Насиба Дадабаева ўз дастурида кўпчилик ҳар доим ҳам эътибор бермайдиган, аммо зарур ҳаётий масалаларни илгари сурмоқда. Ҳақиқатан ҳам жойларда электоратимиз вакиллари бўлган оддий ишчи-хизматчилар учун меҳнат шароитларини яхшилаш, хусусан, санитария-гигиена шароитларини талаб даражасида яратиш борасида қилинадиган ишлар оз эмас.

Депутатликка номзодимизга овоз берилса, ушбу масалалар қонун орқали ўз ечимини топишига ишонамиз.

## Гулнора ОМОНИЛЛАЕВА

*(41-Тошбулоқ сайлов округи)*



**1966 йилда Наманган туманида туғилган. Ҳозирги Наманган давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги – она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.**

Меҳнат фаолиятини Наманган туманидаги 12-мактабда бошлаган. 1990-2013 йилларда ўқитувчи, директор ўринбосари, директор лавозимларида фаолият кўрсатган. 2013 йилдан Наманган туманида ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси.

Меҳнат фаолияти жараёнида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар фаоллигини янада ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган тадбирларнинг ташаббускори бўлди.

У аҳолининг кам таъминланган қатламлари ва ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган инсонларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида моддий ёрдамга эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий нафақаларни тўлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини микрокредитлаш ва микромолиялаш тизимининг янада самарадорлигини ошириш масалаларини ўз сайловолди дастурига киритган.

– Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш идоралари томонидан аҳолининг банд бўлмаган вакилларини ўз ишини очиш ва бизнес юритиш кўникмаларига ўргатиш мақсадида жойларда маслаҳат марказларини ташкил этишга оид қонунчилик меъёрларини такомиллаштириш зарур, деб ўйлайман, – дейди у. – Шунингдек, ташкил этилаётган маслаҳат марказлари мақбуллигини таъминлаш, кам даромадли ва ишга жойлашишда қийналаётган фуқароларнинг улардан фойдаланишлари учун тенглик яратилиши бўйича депутатлик ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш муҳим. Депутат этиб сайлансам, фаолиятимни электорат манфаатлари асосида ташкил этмоқчиман.

Гулнора Омониллаева дастурида оддий одамлар манфаати ҳимояси кўзда тутилмоқда. Ёрдамга муҳтож оила, ўз мустақил ишини бошламоқчи бўлган кишиларни ҳар томонлама қўллаш ижтимоий адолатни ўрнатишда муҳим аҳамиятга эга. Депутатликка номзод тажрибали инсон, она тили ва адабиёт ўқитувчиси сифатида бу масалаларни чуқур англайди.

## Собитхон ТУРҒУНОВ

*(42-Косонсой сайлов округи)*



**1965 йилда Чортоқ туманида туғилган. Ҳозирги Фарғона давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги – умумтехника фанлари ва меҳнат таълими ўқитувчиси. Педагогика фанлари доктори, профессор.**

Меҳнат фаолиятини 1986 йилда Чортоқ туманидаги 3-мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1991-1998 йилларда ҳозирги Наманган давлат университети умумтехника кафедраси ўқитувчиси, катта ўқитувчиси, доценти вазифаларида ишлаган. 1998-2001 йилларда Наманган муҳандислик-педагогика институти кафедра мудири, факультет декани, 2001-2005 йилларда Наманган вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори, 2011-2012 йилларда Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори лавозимларида ишлаган. 2012 йилдан Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи.

Номзод ўз сайловолди дастурида жисмоний имкониятлари чекланган ёшларнинг олий ўқув юртларида таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, ўрта ва олий педагогик маълумотга эга, лекин бола тарбияси билан машғул бўлгани боис ишламайдиган аёлларнинг оилавий мактабгача таълим тарбиячиси сифатидаги уй меҳнатини ташкил этишнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш юзасидан ташаббуслар билан чиқишни мақсад қилган.

– Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод сифатида сайловолди дастуримни тузар эканман, партиямиз илгари сураётган долзарб вазифалар, шу куннинг талабларини ҳисобга олишга ҳаракат қилдим, – дейди у. – Аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш учун, аввало, одамларга меҳнат қилиш имкониятини янада кенгайтириб бериш керак. Бунинг учун бандлик дастурлари ижросини қатъий таъминлаш, номига эмас, юқори даромадли иш ўринлари яратиш ҳақида кўпроқ бош қотиришимиз зарур.

Собитхон Турғунов ўзининг чуқур билими, меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги билан вилоят жамоатчилиги орасида ҳурмат ва эътибор қозонган.

## Дилорам РАҲМАТОВА

*(43-Поп сайлов округи)*



**1958 йилда Поп туманида туғилган. Ҳозирги Тошкент аграр университетини тамомлаган. Мутахассислиги – агроном. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор».**

Меҳнат фаолияти давомида 1973-2006 йилларда Поп туманидаги «Сирдарё» жамоа хўжалиги ишчиси, механизатор, пахтачилик бригадаси бошлиғи вазифаларида ишлаган. 2006 йилдан тумандаги «Тошпўлат-Турғунбой-Расулжон» фермер хўжалиги раҳбари.

У туманда ва вилоятда пилла, пахта ва ғаллачиликда юқори кўрсаткичларга эришиб келаётган илғор фермерлардан ҳисобланади. Ҳозирги вақтда фермер хўжалиги 60 гектарга яқин майдонда деҳқончилик қилиб келмоқда. Хўжаликда 2010-2013 йиллар давомида 34,5 гектар майдонга чигит экилиб, ўртача 37,9 центнердан ҳосил олиниб, белгиланган режа 100,5 фоизга бажарилди.

У фермер хўжалигидан олинган даромадлар ҳисобидан кам таъминланган оилалар, ногиронларга мунтазам ёрдам бериб келади. Ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган кишилар бандлигини таъминлашнинг самарадорлигига эришиш мақсадида Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастуридан келиб чиққан ҳолда бу борада кўплаб вазифаларни ўз сайловолди дастурида белгилаб олган.

– Аҳоли кўп бўлган минтақаларда бандликни таъминлаш мақсадида саноатни ривожлантириш керак бўлади. Янги иш ўринлари ташкил қилишни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ихтисослашган махсус минтақавий инвестицион фондларни ташкил этишни рағбатлантиришга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда ўз ҳиссамни қўшмоқчиман, – дейди у. – Корхона ва ташкилотлар эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўрта махсус маълумотга эга бўлган кадрлар тайёрлаш амалиётини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш керак. Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз мустақил ишини бошлашига кўмаклашиш бўйича ҳуқуқий механизмларни янада мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблайман.

Дилорам Раҳматова қишлоқ одамлари ҳаётини яхши билади. Умр мазмунини уларга ёрдам кўрсатиш, турмушини фаровонлаштиришга ҳисса қўшишда, деб билади. Агар у депутат этиб сайланса, бу борадаги ниятларини амалга ошириш учун катта имкониятга эга бўлади.

## Гулзода АБДУЛЛАЕВА

*(44-Тўрақўрғон сайлов округи)*



**1967 йилда Тўрақўрғон туманида туғилган. Ҳозирги Наманган давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги – рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. 2009 йилда халқ депутатлари Тўрақўрғон туман Кенгаши депутати этиб сайланган.**

Меҳнат фаолиятини 1989 йилда Тўрақўрғон туманидаги 34-мактабда бошлаган. 1990-2006 йилларда тумандаги 13-сонли мактабда ўқитувчи, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаган. 2006 йилдан мазкур мактаб директори.

Номзод ўз сайловолди дастурида қишлоқ жойларда хотин-қизлар учун, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчи қизлари учун иш ўринлари яратишга кўмаклашиш, халқ таълими ва тиббиёт ходимлари, хусусан, аёллар учун меҳнат шароитларини янада яхшилаш масалаларини илгари сурган.

– Электоратимиз, яъни аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами манфаатларини янада самарали ҳимоя қилиш бўйича қатор ташаббуслар билан чиқишни мақсад қилганман, – дейди у. – Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямизнинг фаолиятини такомиллаштириш, жойлардаги депутатлик бирлашмаларининг ташаббускорлигини ошириш мақсадга эришишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Аҳолининг кам таъминланган қатлами учун иш ўринлари яратиш ва шу соҳада қабул қилинган давлат ва ҳудудий дастурларда иштирок этиш, дастурларнинг жойларда бажарилишини таъминлаш устидан парламент назоратини ўрнатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, биз аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари вакиллари учун янги иш ўринлари яратиш, молиявий имтиёзлар ва енгилликлар беришга эришиш тарафдоримиз. Агар Қонунчилик палатасига депутат бўлиб сайлансам, партиямиз дастуридан келиб чиқадиган шу каби мақсад-ғояларнинг қонуний асосларини ишлаб чиқишга ҳисса қўшмоқчиман.

У билимли, изланувчан, талабчан, шу билан бирга, меҳрибон устоз. Фидойилиги ва меҳнатсеварлиги туфайли ҳамкасблари ўртасида катта ҳурмат қозонган.

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## *Наманган вилояти*

### Комилжон МАМАТЧАЕВ

***(45-Уйчи сайлов округи)***



**1966 йилда Уйчи туманида туғилган. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Наманган филиалини тамомлаган. Мутахассислиги — инженер-технолог.**

Меҳнат фаолиятини Уйчи йигирув-тўқув фабрикасида бошлаган. 2002-2009 йилларда Наманган шаҳридаги «Аснам-текстиль» қўшма корхонасида бош механик, ишлаб чиқариш бошлиғи, техник директор, Наманган шаҳридаги «Оқ-олтин» йигирув фабрикасида ишлаб чиқариш бошлиғи вазифаларида ишлаган. 2009 йилдан «Мега-Текстиль» хорижий корхонасида ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи.

У меҳнат фаолияти даврида асосий эътиборини енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратган. Юртимизда пахта хомашёсидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шу орқали иқтисодиётимизнинг самарадорлиги, рақобатбардошлигини муттасил ошириб бориш жараёнларида иштирок этиб келмоқда.

Депутатликка номзод сифатида у енгил саноатни юқори даражада ривожлантириш орқали тараққиётни янада жадаллаштириш, кўплаб янги, юқори ҳақ тўланадиган ва барқарор иш ўринлари ташкил этиш ғояларини илгари сурган.

— Депутатликка сайлансам, шу масалалар бўйича бир қатор таклифларимни тақдим этмоқчиман, — дейди у. — Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида енгил саноатни равнақ топтириш бўйича етарли имкониятлар мавжуд. Бизда мўл хомашё, тайёр, хилма-хил харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш асослари бор. Ҳар бир ҳудудда ҳунармандчилик, пахтачилик, матога ишлов бериш анъаналари ўзига хос. Бу борада тўпланган тарихий тажрибадан унумли фойдаланиш муҳимдир. Таҳлиллар енгил саноатнинг истиқболи порлоқ эканини кўрсатмоқда. Демак, ана шу тизимда яратилган иш ўринлари барқарор, ишга тўланадиган ҳақ юқори бўлади.

Комилжон Маматчаев меҳнат фаолияти давомида ўзини етук мутахассис сифатида кўрсата билди. Ташкилотчилик қобилияти, фаол сиёсий ва фуқаролик позициясига эгалиги билан жамоа ўртасида ҳурмат-эътиборга эга.

### Камолиддин МАТКАРИМОВ

***(46-Учқўрғон сайлов округи)***



**1968 йилда Косонсой туманида туғилган. Ҳозирги Наманган муҳандислик-педагогика институтини тамомлаган. Мутахассислиги — автомобиль транспорти эксплуатацияси ва таъмири бўйича муҳандис-муаллим.**

Меҳнат фаолиятини ўзи таҳсил олган институтда ассистентликдан бошлаган ва катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, ҳозирги Наманган муҳандислик-технология институтининг доценти, кафедра мудири, ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи, «Менежмент» факультети декани лавозимларида ишлаган. 2011 йилдан институтнинг «Муҳандислик-технология» факультети декани.

У таълим муаммолари, ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этиш, автотранспорт-йўл мажмуаси корхоналари иш самарадорлигини оширишнинг долзарб масалаларига бағишланган 120 дан ортиқ илмий-услубий иш муаллифи. Унинг касб-ҳунар коллежлари учун «Автомобилларда ишлатиладиган ашёлар», «Автотранспорт қонунчилиги асослари» ва «Автотранспортда ҳисоб ва ҳисобот» номли қўлланмалари нашр қилинган.

У ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароит яратишга жиддий эътибор бермоқда.

— Ёшларни баркамол авлод қилиб тарбиялашни кучайтириш, таълим жараёнларини янада такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифларим бор, — дейди у. — Бугунги тараққиёт, глобаллашув жараёнлари, мамлакатимизнинг дунё халқлари билан ўзаро ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бораётган бир вақтда катта ҳаётга қадам қўяётган ҳар бир йигит-қиздан хорижий тилларни билиш, эркин ёзиш ва сўзлай олиш талаб этилмоқда. Шунинг учун мен ёшларга хорижий тилларни ўқитиш соҳасидаги шарт-шароитларни янада яхшилаш борасидаги таклифларимни илгари сурмоқчиман.

Унинг сайловолди дастуридан шунингдек, ўрта-махсус ҳамда олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган йигит-қизларнинг амалиётда самарали ишлаб кетиш, мустақил бизнес юритиш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган махсус фанлар киритиш, ёшларнинг бандлигини таъминлаш билан боғлиқ долзарб таклифлар алоҳида ўрин олган.

### Нурдинжон ИСМОИЛОВ

***(47-Чортоқ сайлов округи)***



**1959 йилда Учқўрғон туманида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)ни тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос. Юридик фанлари номзоди.**

1980-1985 йилларда Наманган вилояти прокуратураси идораларида турли лавозимларда ишлаган. 1985-1989 йилларда Уйчи тумани прокурори, 1989-1995 йилларда Наманган вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи бўлган. 1995 йилда Олий Мажлис депутати этиб сайланганидан сўнг, Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, қўмита раиси лавозимларида ишлаган. 2001-2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳининг раҳбари, 2002-2005 йилларда Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси, 2005-2012 йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси лавозимларида фаолият юритган. 2012 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис, сиёсий ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича Давлат маслаҳатчиси.

Нурдинжон Исмоилов катта назарий ва амалий тажрибага эга ҳуқуқшунос сифатида жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларига тааллуқли қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни парламент муҳокамаси учун тайёрлаш, қонунлар ижросини таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларга, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш борасидаги давлат дастурларини амалга оширишга ҳисса қўшиб келмоқда.

У парламентнинг роли ва аҳамиятини янада ошириш, қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнини янада такомиллаштириш, унда жамоатчилик фикрини эътиборга олиш, қонунчилик жараёнида фракциялараро курашни фаоллаштириш, парламент назоратининг самарадорлигини янада ошириш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, фуқароларимизнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатларини янада кенгайтиришни долзарб масалалар, деб ҳисоблайди.

### Акрамжон САЪДУЛЛАЕВ

***(48-Чуст сайлов округи)***



**1966 йилда Тўрақўрғон туманида туғилган. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган. Мутахассислиги — инженер-геофизик.**

Меҳнат фаолиятини Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ер захираларини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш давлат инспекциясида бошлаган ва мутахассис, етакчи мутахассис, инспекция бошлиғи лавозимларида ишлаган. 2010-2012 йилларда Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг давлат экологик экспертизаси бошлиғи ўринбосари лавозимида фаолият олиб борган, 2012 йилдан мазкур қўмита раиси.

— Аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламларини ташвишга соладиган энг долзарб муаммолардан бири, шубҳасиз, уй-жой масаласидир, — дейди у. — Шу сабабли мен давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг бир қисмини аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламлари учун уй-жой қуришда самарали ишлатишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш муҳим, деб ҳисоблайман.

Бундан ташқари, ногиронларнинг ижтимоий инфратузилмалар, шу жумладан турар-жой ва жамоат бинолари, транспорт коммуникацияларидан бемалол фойдаланишлари учун шароитларни янада яхшилаш, шунингдек, аҳоли пунктлари, бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришда улар учун қулайликлар яратишни албатта ҳисобга олиш керак.

Аҳолига хизмат кўрсатувчи транспорт тизимини, тежамкор ер усти транспорти инфратузилмасини янада ривожлантириш масалалари ҳам айни кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, қишлоқларда инфратузилмани ривожлантириш, ерларнинг унумдорлигини ошириш, экин майдонларидан оқилона фойдаланиш орқали қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини таъминлаш бўйича тегишли меъёрий-ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш муҳим, деб ўйлайман. Агар сайловчилар мени депутатликка муносиб кўришса, бу масалалар қонунчиликда ўз ифодасини топиши учун бор билим ва тажрибамни ишга соламан.

Акромжон Саъдуллаев табиатан курашчан, ўзи илгари сурган ғояларни амалга ошириш бўйича астойдил ҳаракат қилади. Бу унинг иш тажрибасида бир неча бор исботланган. Қолаверса, у катта ҳаётий тажрибага ҳамда аҳолининг, айниқса, қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган кишиларнинг ҳаёт даражасини кўтариш бўйича аниқ таклифларга эга.

### Абдугаппор КИРГИЗБАЕВ

***(49-Янгиқўрғон сайлов округи)***



**1962 йилда Учқўрғон туманида туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (университети)ни тамомлаган. Мутахассислиги — тарих ва жамиятшунослик фани ўқитувчиси. Тарих фанлари доктори, профессор.**

Меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳридаги 186-мактабда тарих ва жамиятшунослик фани ўқитувчилигидан бошлаган. 1986-1989 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ойбек номли Ўзбекистон халқлари тарихи музейида кичик илмий ходим, илмий ходим вазифаларида ишлаган. 1989-1992 йилларда Фанлар Академияси Тарих институтининг аспиранти бўлган. 1992-2005 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти, тарих факультети декани ўринбосари, университет касаба уюшмаси раиси, Маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор, факультет декани бўлиб фаолият юритган. 2005-2009 йилларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Маънавий-ахлоқий тарбия ва спорт бўлими бошлиғи бўлган. 2010 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

— Депутат, аввало, ўз сайловчилари олдида ҳисобдордир, — дейди у. — Шунинг учун ўтган йилларда ўзим сайланган сайлов округидаги барча сайловчиларим, партиямиз электорати вакиллари билан мунтазам алоқада бўлдим. Учрашувларда парламент томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида маълумотлар бериб бордим. Қонунлар лойиҳалари юзасидан фуқароларнинг фикрларини ўргандим ва ўринли таклифларни қабул қилинаётган қонунларда акс эттиришга ҳаракат қилдим.

Агар улар менга яна ишонч билдириб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлансам, қишлоқ ёшларининг манфаатларини таъминлаш борасида олис ҳудудлардаги йигит-қизларнинг имкониятларини юзага чиқаришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш, янада кучайтириш учун ҳаракат қиламан.

Абдугаппор Киргизбаев жамоатчиликка яхши таниш олим. У депутат сифатида ҳам фаол иш олиб бормоқда. Айниқса, таълим соҳасидаги юқори билими, мустақил фикрлари билан жамоатчилик ўртасида ҳурмат қозонган.

## *Тошкент вилояти*

### Алия ЮНУСОВА

***(77-Ангрен сайлов округи)***



**1961 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос. Юридик фанлари номзоди.**

Меҳнат фаолиятини ҳозирги Тошкент тиббиёт академиясида ҳуқуқ фани ўқитувчилигидан бошлаган. 1989 йили И.Мўминов номли фалсафа ва ҳуқуқ институтининг аспирантурасига ўқишга кирган ва уни битириб, ушбу институтнинг «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» бўлимида кичик илмий ходим бўлиб ишлаган. 1995-1999 йилларда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг бош мутахассиси, Диний ташкилотлар билан ишлаш шўъбаси мудири, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бўлим мудири вазифасида ишлаган.

2005 ва 2009 йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган. Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси. Алия Юнусова Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган қонунлар лойиҳалари бўйича асосли таклифлар билдириб, уларни янада такомиллаштиришга самарали ҳисса қўшиб келмоқда. Бу, айниқса, «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги ҳамда суд-ҳуқуқ тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган қонунлар лойиҳалари муҳокамаси вақтида яққол намоён бўлди.

Депутатликка номзод фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, шу орқали уларнинг иқтисодий жараёнларда бевосита иштирокини кучайтириш бўйича аниқ мақсад ҳамда вазифаларни ўз сайловолди дастурида алоҳида белгилаган.

— Бозор иқтисодиётини ривожлантириш билан боғлиқ ислоҳотлар жадал тус олаётган бугунги кунда бу алоҳида аҳамиятга эга, — дейди у. — Масалан, жисмоний имконияти чекланган бўлса-да, қўлидан иш келадиган, меҳнат қилиш истаги кучли бўлган фуқаролар ҳам бор. Уларни иш билан таъминлаш учун ногиронлар меҳнат қилишига ихтисослашган корхоналарни ташкил этиш зарур, деб ўйлайман. Фақат бунга эришишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш керак бўлади. Ушбу мақсадда давлатнинг марказлашган сармоялари ҳисобидан ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш чораларини кўришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни асосий йўналиш қилиб белгиладим.

Алия Юнусова катта тажрибага эга ҳуқуқшунос ва депутатдир. У ўз бурчига садоқат билан хизмат қилиб келаётгани туфайли жамоатчилик ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган. Агар сайловчилар унга яна бир бор ишонч билдиришса, бундан партиямиз электорати ҳам, жамият ҳам фақат наф кўради.

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

*Тошкент вилояти*

## Омилхон ИСМАИЛОВ

### *(78-Бекобод сайлов округи)*



**1973 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент кимё технология институтини тамомлаган. Мутахассислиги — инженер-технолог. Иқтисод фанлари номзоди.**

Меҳнат фаолиятини 1995 йилда «Носирхон ота» масъулияти чекланган жамиятида директорликдан бошлаган. 1998-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш бош бошқармасида мутахассис, кейинчалик етакчи мутахассис, Давлат мулки қўмитаси қошидаги бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш илмий тадқиқот институтининг хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўлими ва сектори мудири, бўлим мудири, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича махсус идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш ишчи комиссияси аъзоси, Солиқ академиясининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультети декани ўринбосари, иқтисодиёт бўйича проректори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси иқтисодиёт институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаган.

2010 йилдан Низомий номидаги ТДПУ иқтисодиёт назарияси кафедраси мудири.

У ҳозирда «Ўзбекистон озиқ-овқат саноатида тадбиркорликнинг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари» мавзусида докторлик илмий диссертацияси устида иш олиб бормоқда. Бугунги кунга келиб унинг 60 дан ортиқ илмий ишлари, 2 та монографияси ҳамда 2 та ўқув қўлланмаси чоп этилган.

Депутатликка номзоднинг сайловолди дастурида иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий самарасини ошириш, ижтимоий ёрдамга эҳтиёжманд кишилар манфаатларини ҳимоялаш билан боғлиқ бир қатор вазифалар белгиланган.

— Аҳоли орасида бозор иқтисодиёти шароитига мослаша олмаган, вақтинча ишсиз юрган, тақдир тақозоси билан ногирон бўлиб қолган, аммо ишлаш қобилиятига эга, энг муҳими, касаначилик билан шуғулланиш имконияти бўлган кишилар бор, — дейди у. — Меҳнатнинг бу тури қўшимча даромад топиш, иш вақтининг қатъий белгиланмаганлиги, махсус биноларга эҳтиёж йўқлиги билан қатор қулайликларга эга. Демак, соҳани ривожлантириш орқали электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилишимиз мумкин. Сайловчилар ишонч билдириб, депутат этиб сайлансам, ана шу тоифа кишиларнинг бандлигини самарали таъминлашга хизмат қилувчи қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш ниятидаман.

Омилхон Исмаилов тажрибали иқтисодчи, нафақат ҳудудлар, балки республика миқёсида иқтисодий-ижтимоий масалаларни таҳлил этиб, таклифлар бериш салоҳиятига эга. Сайловчилар унинг бу иқтидорини ҳисобга олиб, унга албатта овоз беришади, деб ўйлаймиз.

## Исраил СУЛТАНОВ

### *(79-Бўка сайлов округи)*



**1983 йилда Бўка туманида туғилган. Тошкент давлат аграр университетини тамомлаган. Мутахассислиги — иқтисодчи.**

Меҳнат фаолиятини Юқори Чирчиқ туманидаги «Олтин водий» фермер хўжалигида бошлаган, ҳисобчи, фермер хўжалиги раҳбари бўлиб ишлаган. Туман иқтисодиёт бўлимининг мутахассиси, молия бўлими мутахассиси, статистика бўлими мутахассиси сифатида меҳнат қилган. 2013 йилдан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юқори Чирчиқ туман Кенгаши раиси.

Депутатликка номзод ёшлар орасида ижтимоий-ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш юзасидан қатор ташаббусларни амалга ошириб келмоқда.

— Ёшларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларни иш билан таъминлаш партиямиз эътиборидаги муҳим масалалардир, — дейди у. — Очиғини айтиш керак, жойларда, айниқса, қишлоқ ҳудудларида ёшлар бандлигини таъминлашда муаммолар бор. Шуни ҳисобга олиб, бу борада қатор таклифлар билан чиқмоқчиман. Масалан, касб-ҳунар коллежларида мутахассисларни тайёрлашда ҳудудлар эҳтиёжини ҳар томонлама ҳисобга олиш амалиётини янада такомиллаштиришга жиддий аҳамият бериш керак. Шунда коллежни тамомлаган йигит-қизлар ташкилотлар эшигини тақиллатиб иш излаб юрмайди. Шунингдек, қишлоқ жойларида саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш, касаначиликни ривожлантириш ҳам ёшларни иш билан таъминлашда муҳим ўрин тутади, деб ўйлайман. Бу орқали нафақат қишлоқ ёшлари иш жойига эга бўлади, балки олис ҳудудларда ҳам ишлаб чиқариш ривожланади, иқтисодий барқарорликка эришилади. Депутатликка сайлансам, ана шу масалаларга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш ишларига ўз ҳиссамни қўшаман.

Қишлоқ одамлари, уларнинг муаммоларидан яхши хабардор киши улар ечими бўйича ҳам аниқ таклифларга эга бўлади. Исраил Султанов ана шундай мутахассислардан ҳисобланади.

## Абдуҳаким АБДУЛЛАЕВ

### *(80-Бўстонлиқ сайлов округи)*



**1976 йилда Бўстонлиқ туманида туғилган. Тошкент давлат техника университетини тамомлаган. Мутахассислиги — автоматизациялаштириш муҳандиси.**

Меҳнат фаолиятини 1999 йилда Чирчиқ шаҳридаги «Сувоқава» ишлаб чиқариш шўъба корхонасида катта уста сифатида бошлаган. Шундан сўнг мижозлар билан ишлаш бўлими мудири вазифасида фаолият юритган. 2009 йилдан Қибрай туманидаги «Yalang'och g'isht zavodi» масъулияти чекланган жамият раҳбари.

Абдуҳаким Абдуллаевнинг қайд этишича, аҳолининг юксак даражада ижтимоий ҳимояланганлиги одамлар фаровонлиги ва жамият барқарорлигининг асосий пойдеворидир. Бунда меҳнатга қобилиятли аҳолининг бандлигини таъминлаш ҳамда жисмоний имконияти чекланган кишиларни мақсадли ижтимоий ҳимоялашнинг самарадорлигини ошириш лозим. Бироқ жисмоний имконияти чекланган кишиларни мақсадли ижтимоий ҳимоя қилиш — бу улар фақат давлат бюджетидан ажратилаётган ижтимоий нафақаларни олса бўлди, дегани эмас. Жамиятда боқимандалик кайфияти келиб чиқмаслиги учун жисмоний имконияти чекланган бўлса-да, қўлида касби, ҳунари бор, ишга лаёқатли кишилар ҳам меҳнат қилиши, шунинг ортидан оиласи даромадига улуш қўшиши жуда муҳим.

— Шу боис сайловолди дастуримда кишилар дастлаб ўз ишини бошлаб олиши учун кўп маблағ талаб этмайдиган ишлаб чиқариш субъектларини ташкил этиш, одамларнинг муносиб ҳақ тўланадиган ишга интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг шахсий ташаббуси ва тадбиркорлигини рағбатлантириш масаласини устувор вазифа сифатида белгиладим, — дейди у. — Хусусан, катта сармоя талаб қилмайдиган соҳаларни, жумладан, касаначиликни ривожлантириш, шу тариқа аҳолини иш билан таъминлаш олдимизда турган асосий вазифалардан биридир. Айтайлик, кўпчилик қизларимизда чеварликка қизиқиш ва истеъдод бор. Агар уларни қўллаб-қувватлаб, ўз ишини бошлаши учун кўмаклашсак, бу орқали кўплаб янги иш ўринлари яратиш имкони кенгаяди. Аҳамиятли жиҳати, устоз-шогирд анъанаси орқали маълумоти, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибаси етарли бўлмаган ишга лаёқатли аҳолининг анчагина қисмини ишга жойлаштириш учун шароит яратилади.

Абдуҳаким Абдуллаев бандлик ва ижтимоий ҳимоя масалаларига алоҳида эътибор қаратаётганини кўпчилик қўллаб-қувватлайди, деб ҳисоблаймиз. Чунки булар энг долзарб ҳаётий вазифалардир.

## Отабек МУТАЛОВ

### *(81-Зангиота сайлов округи)*



**1974 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент кимё-технология институти, давлат гранти асосида Туркиядаги Истанбул университетини тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис-технолог.**

Меҳнат фаолиятини 1996 йилда «Ўзсаноатқурилишбанк»да мутахассис сифатида бошлаган ва биринчи тоифали мутахассис бўлиб ишлаган. «Ўзгўштсутсаноат» давлат акциядорлик уюшмасида бошқарма бошлиғи ўринбосари сифатида фаолият кўрсатган. 1998-2005 йилларда «Royal Food-Toshkentgo'sht» қўшма корхонаси раҳбари бўлиб ишлаган. 2005 йилдан «Master delikatesov» масъулияти чекланган жамияти бош директори.

Депутатликка номзод ўз сайловолди дастурида янги иш ўринлари ташкил этиш масалаларини устувор вазифа қилиб қўйди.

— Ҳар йили парламент томонидан тасдиқланадиган махсус дастур асосида минглаб янги иш ўринлари ташкил этилиб, одамларнинг фаровон яшаши учун мустаҳкам кафолат яратилаяпти, — дейди у. — Бироқ айрим ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлашда муаммолар сақланиб қолмоқда. Шундан келиб чиқиб, қатор таклифлар тайёрладим. Масалан, аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш даражасининг мувозанатини сақлаш учун импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада рағбатлантириш керак, деб ҳисоблайман. Бу, шунингдек, меҳнат бозорида барқарор иш жойларини кўпайтириш, вақтинчалик ва мавсумий ишларда банд бўлган аҳоли сонининг кўпайиб кетишининг олдини олишга ҳам хизмат қилади. Касб-ҳунар коллежларида таълим йўналишлари бўйича мутахассис-педагог ва ўқитувчиларни кўпайтиришни назарда тутиш, умуман, таълим сифатини изчил амалга ошириш чораларини янада такомиллаштириш заруратини ҳисобга олиш лозим, деб ўйлайман.

Сайловчилар ишонч билдириб депутатликка сайлансам, бу таклифларимни қонунларда акс эттиришга ҳаракат қиламан.

Кўриниб турибдики, Отабек Муталов дастурида қатор долзарб масалаларга эътибор қаратилган. Хусусан, ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масаласи кўпчиликка дахлдор экани туфайли сайловчилар унинг номзодини ёқлаб овоз беришига ишонамиз.

## Наргиза НАЗАРОВА

### *(82-Олмалиқ сайлов округи)*



**1972 йилда Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида туғилган. Тошкент вилояти давлат педагогика институтини тамомлаган. Мутахассислиги — тарих ва ҳуқуқ фани ўқитувчиси. 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши (Давлат бошқаруви) академиясини тугатган.**

Меҳнат фаолиятини 1988 йилда Тошкент шаҳар 2-Мурувват уйида ишчи вазифасидан бошлаган. 1991-2004 йилларда Ангрен шаҳар суд мажлиси котиби, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби бўлиб ишлаган. 2004 йилдан Ангрен шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси.

У хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишида фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш, шунингдек, меҳнат қилиши учун муносиб шарт-шароит яратиш асносида уларнинг турмушини фаровон этиш масаласини асосий вазифа этиб белгилаган.

— Партиямиз мамлакатимизда ижтимоий соҳада кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилаётганини алоҳида эътироф этади ҳамда бундай сиёсатни қўллаб-қувватлайди, — дейди у. — Биз, айниқса, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига янада жиддий эътибор қаратмоғимиз керак. Масалан, аёл ўз қобилиятини юзага чиқариши, орзу-ҳавасларига етиши учун яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиши, ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши керак. Шу боис сайловолди дастуримда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, касбга йўналтириш, ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, уларга фаол меҳнат шароитини яратиб бериш масаласига алоҳида эътибор қаратдим. Хусусан, аёлларнинг томорқа ерларидан унумли фойдаланиш орқали оиланинг даромадини кўпайтириши учун шароит яратиш, норасмий тарзда уй меҳнати билан шуғулланаётган аёллар учун меҳнат дафтарчалари очиш, улар меҳнатини расмийлаштириш масаласида ҳам ўз таклифларим билан чиқмоқчиман.

Наргиза Назарованинг ҳаёт йўлига қарасангиз, оддий ишчиликдан масъул ходим, туманда хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимигача кўтарилган. Бу унинг ғайрати, ташкилотчилигидан дарак беради, албатта.

## Шуҳрат ТУРСУНБОЕВ

### *(83-Паркент сайлов округи)*



**1970 йилда Юқори Чирчиқ туманида туғилган. Волгоград давлат педагогика институтини битирган. Мутахассислиги — рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.**

Меҳнат фаолиятини 1987 йилда Юқори Чирчиқ туман маиший хизмат уйида ишчиликдан бошлаган. 1993-2010 йилларда тумандаги 1-мактабда ўқитувчи, ёшлар ташкилоти раҳбари, халқ таълими бўлими методисти, Тошкент вилоят ҳокимлиги бош мутахассиси, Юқори Чирчиқ туман ҳокими ўринбосари, туман халқ таълими бўлими мудири, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали бош мутахассиси ҳамда Қурилиш-иқтисод касб-ҳунар коллежи директори вазифаларида фаолият юритган.

2009 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиб сайланган. Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

Шуҳрат Турсунбоев мамлакатимизда таълим тизимини янада такомиллаштириш, унинг моддий-техника ҳолатини мустаҳкамлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришга доир қатор қонунлар қабул қилинишига ўзининг бевосита ҳиссасини қўшиб келмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат» Кодексининг 84-моддасига касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини синов муддатисиз ишга қабул қилиш бўйича қонуний меъёр киритилишида ташаббускорлардан бири бўлди.

— Агар иккинчи маротаба Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлансам, амалдаги қонунларимизни такомиллаштиришда янада фаол қатнашаман, — дейди у. — Айниқса, бепул ва имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатадиган мактабгача таълим давлат муассасалари тармоғини кенгайтириш, кўп болали, кам таъминланган оилалардан бўлган ва тўлов-контракт асосида ўқиётган талабалар учун имтиёзли таълим кредитлари бериш, ногирон болаларни зарур махсус адабиёт ва қўлланмалар билан таъминлашни ўз ичига оладиган инклюзив таълим тизимини янада ривожлантириш, жисмоний имконияти чекланган талабаларнинг олий ўқув юртларида таълим олиш имкониятларини кенгайтириш масаласини сайловолди дастуримда устувор вазифа сифатида белгиладим.

Шуҳрат Турсунбоев бугун мамлакатимизда фан-таълим, маданият ва спорт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлардан чуқур хабардор, ютуқ ва камчиликларни яхши билади. Сайловчилар ишонч билдирса, у мазкур соҳаларга дахлдор қонунларни янада такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшади.

● 2014-yil, 29-noyabr.
Shanba ● 141-142 (31.889)-son
www.uzbekistonovozi.uz



# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Тошкент вилояти

### Нилуфар ЮЛДАШЕВА

***(84-Тўйтепа сайлов округи)***



**1968 йилда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида туғилган. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетига «Ёш адабиётчилар» республика фан олимпиадаси ғолибаси сифатида имтиёзли қабул қилиниб, уни 1990 йилда битирган.**

Меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 185-мактабда она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси сифатида бошлаган. 1996 йилдан Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида ташкилотчи, катта ўқитувчи, бўлим бошлиғи, доцент, кафедра мудири, институтнинг маънавий-маърифий ва илмий ишлар бўйича проректори вазифаларида ишлаган.

2002 йилда умумий ўрта таълим мактабларида синонимларни янгича педагогик технологиялар асосида ўқитиш методикаси бўйича номзодлик ишини ёқлаган. Нилуфар Юлдашева ҳозирда изланувчан илмий-тадқиқотчи сифатида адабий таълим тизимида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг илмий-методик асослари (умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими мисолида) мавзусида докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.

2011 йилдан Тошкент вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида маънавий-маърифий ва илмий ишлар бўйича проректор бўлиб ишлаб келмоқда.

Унинг 1 монографияси, 20 дан ортиқ қўлланма, 100 дан ортиқ илмий-оммабоп мақолалари чоп этилган.

Депутатликка номзод мамлакатимизда сифатли таълим ва касб-ҳунар ўрганишнинг барча учун тенг, адолатли ва ижтимоий жиҳатдан мақбул тизимини янада такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш, бепул ва муайян имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатадиган мактабгача таълим давлат муассасалари тармоғини кенгайтиришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишда қатнашишни ўз сайловолди дастурининг асосий йўналиши қилиб белгилаган.

Нилуфар Юлдашева одамлар манфаати йўлида елиб-югурадиган, куюнчак инсон сифатида вилоят зиёлилари ҳамда жамоатчилик орасида ҳурмат қозонган. У таълим соҳасининг етук мутахассиси сифатида қатор долзарб масалалар ечими бўйича ўз таклифларига эга. Сайловчилар ишончини қозонса, таълим тизимини янада такомиллаштиришга, баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қиладиган қонунларни тайёрлашда фаол иштирок этишга қарор қилган.

### Ҳожиакбархон АХМЕДОВ

***(85-Чиноз сайлов округи)***



**1975 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат иқтисодиёт университетини бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолияти таҳлили мутахассислиги бўйича тамомлаган.**

Меҳнат фаолиятини 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг кредитлаш бўлими мутахассиси сифатида бошлаган. Ўзи таҳсил олган университетнинг аспирантурасига ўқишга кириб, ассистент, катта ўқитувчи ва доцент, ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи вазифаларида меҳнат қилган.

Шунингдек, у 2002-2004 йилларда Германиянинг Гётинген университетида илмий изланишларни давом эттириб, ўз малакасини оширган. 2008 йилда «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий натижаларининг ҳисоби ва таҳлили» мавзусидаги диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига муваффақ бўлган.

2014 йилдан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректори.

Депутатликка номзод сайловолди дастурида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қатор долзарб вазифаларни илгари сурган.

— Мамлакатимизда таълим, илм-фан соҳасидаги ислоҳотлар изчил давом этмоқда, — дейди у. — Натижада малакали, етук, замонавий билимларни эгаллаган, профессионал кадрлар етишиб чиқмоқда. Улар ўз касби бўйича ишга жойлашишида камчилик ва муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, шундай ҳолатлар учрайдики, педагогик маълумотга эга бўлган айрим аёллар бола тарбияси билан машғул бўлгани боис ишламайди. Биз уларнинг меҳнат фаолиятини ташкил этишга ҳаракат қилишимиз керак. Масалан, бундай аёллар учун оилавий мактабгача таълим тарбиячиси сифатидаги уй меҳнатини ташкил этиш лозим, деб ўйлайман. Бу орқали нафақат оила даромадига улуш қўшилади, балки педагогик маълумотга, малакага эга мутахассис ижтимоий муҳофазаси кучаяди.

Ҳожиакбархон Ахмедов ўз соҳасининг моҳир устаси, изланувчан мутахассис. Ўз позициясини қатъий туриб ҳимоя қила оладиган олим.

### Арофат ХУДАЙБЕРДИЕВА

***(86-Чирчиқ сайлов округи)***



**1970 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат университети(ҳозирги ЎзМУ)ни тамомлаган. Мутахассислиги — физика фани ўқитувчиси.**

Меҳнат фаолиятини 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-текшириш институтида илмий ходим сифатида бошлаган. 2003-2012 йиллар давомида Қибрай молия-иқтисодиёт коллежида физика ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

2011 йилда педагогика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган, 30 дан ортиқ илмий мақола, 3 та ўқув қўлланма ва 1 та услубий қўлланмаси чоп этилган.

2012 йилдан Тошкент кимё-технология институтининг Чирчиқ академик лицейи директори.

— Мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясини янада кучайтириш имкониятлари кенг, — дейди у. — Мактабгача таълим, ўрта-махсус таълим, олий таълим тизимида ўзаро алоқа ва ҳамкорликни кучайтириш лозим. Бунинг учун амалдаги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, таълим тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш талаб қилинади. Жамиятимизнинг ҳар бир соҳасида билимли, ўз устида мунтазам ишлайдиган, машаққат ва синовлардан чўчимайдиган, танлаган соҳасини ривожлантириш йўлида тинимсиз изланадиган кадрларни тайёрлашимиз керак. Бунинг учун таълим тизимини янада такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда янгиликни жорий этганлик учун нафақат хўжалик юритувчи субъектлар, балки давлат томонидан рағбатлантиришни янада кучайтириш керак, деб ўйлайман. Агар депутатликка сайлансам, ана шу мақсад йўлида таклиф ва ташаббуслар билан чиқиш ниятидаман.

Шунингдек, қишлоқ ёшларини иш ўринлари билан таъминлаш борасида ҳам бир қатор таклифларим бор.

Арофат Худайбердиеванинг фикрича, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун дунё билан баравар қадам ташлаш керак бўлади. Бу масалада таълим даргоҳлари масъулиятини оширишнинг қонуний асосларини такомиллаштириш зарур.

### Абдумажид ХОЛМУРОДОВ

***(87-Қибрай сайлов округи)***



**1983 йилда Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида туғилган. Ҳозирги Тошкент ирригация ва мелиорация институтини (бакалавр, магистратура) тамомлаган.**

Меҳнат фаолиятини «Экосан» халқаро ташкилоти Тошкент шаҳар филиалида туманлар бўйича ваколатхона директори вазифасидан бошлаган. 2007 йилдан Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ер ва сув манбаларини муҳофаза қилиш махсус инспекциясида 1-даражали мутахассис, инспекция бошлиғи, қўмита раиси ўринбосари бўлиб ишлаган. 2014 йилдан Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси ўринбосари вазифасида фаолият юритмоқда.

Тажрибали мутахассис, интилувчан раҳбар сифатида Тошкент вилоятининг ер, сув ва бошқа табиат бойликларини асраб-авайлаш, уларга зарар етказадиган ҳолатларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишларда фаол қатнашиб келмоқда.

Унинг иштирокида «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг вилоятдаги ижроси ўрганилган ҳамда масала ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2013 йил май ойида бўлиб ўтган сессияси муҳокамасига киритилган. Сессиянинг тегишли қарори ижроси бўйича вилоятнинг барча ҳудудларида маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш ва утилизация қилиш юзасидан талай ишлар амалга оширилди. Шаҳар ва туманлардаги ободонлаштириш бўлимлари моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, зарур ихтисослаштирилган автотранспорт воситалари билан таъминланди. Натижада шаҳар ва қишлоқларда ободонлаштириш ишларининг самарадорлиги ошди.

Абдумажид Холмуродовнинг сайловолди дастурида қишлоқлар шароитини шаҳарга яқинлаштириш, намунали лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишини яхшилаш, ҳар жиҳатдан қулай ва мақбул ижтимоий инфратузилмани шакллантириш, уй-жой-коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштириш масалалари асосий ўрин эгаллаган.

У Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурига мувофиқ равишда табиий монополия субъектлари бўлган корхоналарнинг хизматлари — электр энергияси, иссиқлик қуввати, газ таъминоти, ичимлик суви ва канализация хизматларига нарх ва тарифларни ўрнатишнинг иқтисодий асосланган аниқ механизмларини ишлаб чиқиш ғояларини амалга оширишда фаол қатнашишни мақсад қилган.

Абдумажид Холмуродов дастуридан ҳаётий муҳим масалалар ўрин олган. Бу борада аниқ таклифларни билдиришга унинг билими ва тажрибаси етарли.

### Шуҳрат РАҲИМОВ

***(88-Янгийўл сайлов округи)***



**1969 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳозирги Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент кимё технология институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси (ҳозирги Давлат бошқаруви академияси)ни тамомлаган. Мутахассислиги — педиатр, дон маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича технолог.**

Меҳнат фаолиятини 1994 йилда «Вита Капитал» МЧЖ раҳбарлигидан бошлаган. 1997-2011 йилларда «Росси СА» қўшма корхонасига раҳбарлик қилган. 2011 йилдан ЎзХДП Янгийўл туман кенгаши раиси.

2009 йили халқ депутатлари Янгийўл туман Кенгаши депутатлигига сайланиб, тумандаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Масалан, у депутатлик фаолияти давомида айрим ўқув муассасаларида спорт инвентарлари камлиги, қизболалар спорт билан шуғулланиши учун спорт мураббийлари етишмаслиги муаммоларини аниқлади ва бу масалани халқ депутатлари Янгийўл туман Кенгаши сессияси муҳокамасига олиб чиқди.

Депутатликка номзод сайловолди дастурида халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, жумладан, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш лозимлигини алоҳида қайд этган.

— Кишиларнинг яхши яшаши ва муносиб турмуш шароитига эга бўлишида коммунал соҳа ривожи муҳим аҳамиятга эга, — дейди у. — Бироқ, жойларда бу борада қатор камчиликлар бор. Хусусан, совуқ сув ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш, замонавий ҳисоблагич ва назорат асбоблари билан таъминлаш, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларида муаммолар оз эмас. Сайловчилар ишончини қозониб, депутат бўлсам, мазкур муаммоларни ҳал этиш, уй-жой-коммунал хўжалигига оид қонунчилик асосларини мустаҳкамлашга ҳаракат қиламан.

Шуҳрат Раҳимовни янгийўлликлар фаол, ўз вазифасига масъулият билан ёндашадиган депутат сифатида яхши билишади. У ўзининг амалий ишлари билан ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган.

У Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат этиб сайланса, айнан коммунал соҳани ривожлантириш, замон талаблари асосида фаолият кўрсатилишига хизмат қиладиган қонунлар яратилиши учун ҳаракат қилиш ниятида.

### Акмалжон УМАРАЛИЕВ

***(89-Дўстобод сайлов округи)***



**1974 йилда Тошкент вилояти Оҳангарон туманида туғилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Тошкент давлат техника университетини муҳандислик, Тошкент давлат иқтисодиёт университетини молия-иқтисодчи мутахассисликлари бўйича тамомлаган.**

Меҳнат фаолиятини Олмалиқ шаҳар 345-сонли механизациялашган қурилиш колоннасида ишчи-дурадгорликдан бошлаган. 1997 йилдан Тошкент вилояти ёшларининг «Камолот» жамғармаси ташкилий бўлим мудири, Олмалиқ шаҳар Фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғининг катта ёрдамчиси, Олмалиқ шаҳар молия бўлими иқтисодчиси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмалиқ шаҳар кенгаши раиси, Тошкент вилоят кенгаши раисининг ўринбосари вазифаларида ишлаган. 2007 йилдан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси, Маънавият тарғибот маркази Тошкент вилоят бўлими раҳбари, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси ўринбосари лавозимларида меҳнат қилган. 2013 йилдан Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши раиси ўринбосари.

Акмалжон Умаралиев ўзининг меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги, ишга масъулият билан ёндашиб, республика ёшлари орасида намуна кўрсатган. Ёшларни жипслаштириш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш мақсадида қатор лойиҳаларни ишлаб чиққан. Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ташкил этиб келинаётган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг ташаббускорларидан биридир.

2011 йилда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирланган.

У ўз сайловолди дастурида ёшларнинг касб танлаши, замонавий таълим олиши, ўқишни тамомлагач, албатта иш жойига эга бўлиши, бунинг учун тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароит яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Акмалжон Умаралиев мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшлар давлат ва жамият ғамхўрлигини ҳис қилиши керак, шунда улар янада масъулиятли бўлиб, тараққиётга катта ҳисса қўшади, деб ҳисоблайди.

Ёшлар орзу-ниятлари ва муаммоларини яхши билгани, сиёсий партиялар фаолиятидан чуқур хабардорлиги унинг катта имконияти, албатта. Унинг дастуридан ёшлар ҳаёти билан боғлиқ масалалар юзасидан эътиборга молик таклифлар ўрин олган.

# Муносиб номзодларга овоз берамиз!

**Марғилон шаҳридаги педагогика коллежи мажлислар залига одам сиғмай кетди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод билан учрашув бошланишига ҳали анча вақт бор. Аммо бу ерга келувчилар оқими тинмайди.**

— Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги кундан-кун ортиб бораяпти, — дейди **анжуман иштирокчиси, ЎзХДП фаоли Турғун Нишонов.** — Улар юртимизда бўлаётган ўзгаришлар, воқеаларга бефарқ эмас, айниқса, сайловларга. Буни биргина депутатликка номзод билан бугунги учрашувга кутилганидан-да зиёд одам келаётганидан ҳам кўриш мумкин. Кўпчиликни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида илгари сурилган масалалар, номзод қандай ғояларни кўтариб чиқаётгани қизиқтираяпти.

Учрашувга келганлар орасида ёшлар кўплиги ҳам бежиз эмас. Чунки ЎзХДП Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 98-Марғилон сайлов округи бўйича кўрсатилган номзод Бунёджон Эшонқулов эндигина ўттиз ёшдан ўтган. Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи.

Учрашув бошланди. Аввало, номзоднинг ишончли вакили, ЎзХДП фаоли Наримон Самиев унинг таржимаи ҳоли, ҳаётий қарашлари ва инсоний фазилатлари ҳақида батафсил маълумот берди.

— Партиямизнинг мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлигини янада ошириш бўйича ўз танлаган йўли, позицияси бор, — деди у. — Мен шундан келиб чиқиб ҳамда юртимизнинг ўзига хос анъаналарини ҳисобга олган ҳолда, ҳунармандчилик тармоғини кенгайтириш, уй меҳнатини кейинчалик кичик бизнесга айлантиришга кенг шароит яратадиган қонунлар қабул қилиш бўйича ташаббуслар билан чиқишни ният қилганман. Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўз ишини очганида уларни дастлабки даврда янада қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблайман.

— Депутатликка номзод нафақат ҳуқуқ, балки иқтисодиёт соҳасини ҳам яхши билар экан, — деди **биринчи бўлиб сўз сўраган Гулчехра Тўхтасинова.** — Мен Бунёджон Эшонқулов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига муносиб номзод, деб ҳисоблайман ва барчангизни унга овоз беришга чақираман.

— Мен коллежнинг учинчи босқич талабасиман ва бу йил илк бор сайловда қатнашаман, — дейди **Холисхон Каримова.** — Коллежни битириб, мустақил ишимни очиш ниятидаман. Депутатликка номзод эса мен каби ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча имкониятлар яратишни мақсад қилибди. Демак, мен унга овоз бераман ва тенгдошларимни ҳам шунга даъват этаман.

Учрашув жуда самимий руҳда, очиқ-ошкора савол-жавоблар асосида ўтди ва амалий таклифларга бой бўлди.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



## СПОРТ

**Ҳар икки йилда ўтказиладиган мазкур мусобақада дунёнинг йигирма икки давлати вакиллари ғолиблик учун майдонга тушади.**

# УЧ КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ

**Эртага Мексиканинг Кулиакан шаҳрида футбол бўйича жисмоний имконияти чекланганлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бошланади.**

Унда амалдаги жаҳон чемпиони — Ўзбекистон ампутантлар терма жамоаси аъзолари юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Мавзур Умархўжаев бош мураббийлик қилаётган футболчиларимиз мусобақанинг «А» гуруҳидан жой олган. Ҳамюртларимиз 30 ноябрда дастлабки учрашувни Украина терма жамоаси билан ўтказади. Орадан бир кун ўтиб, Ирландия, сўнгра 2 декабрда бразилияликлар билан учрашади.



— Жамоамизни жуда муҳим ва масъулиятли учрашувлар кутиб турибди, — дейди **жамоа сардори, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби Абдужамил Шукуров.** Чемпионликни қўлга киритиш қанчалик юксак шараф бўлса, уни сақлаб қолиш шу қадар машаққатлидир. Биз фақат ғалаба қозониш учун майдонга тушишга одатланганмиз. Зоҳид Тошхўжаев, Қудрат Худойқулов, Нуриддин Турсунов, Ҳакимжон Ҳасанов, Азиз Азимов, Муҳаммадазиз Арабов, Ҳайдарали Турсунбоев сингари футболчилар билан анчадан бери биргаликда ўйнаб келаётганимиз туфайли майдонда тез тил топишамиз. Жамоамизнинг аҳил ва иноқлиги ғалабалар учун пойдевор бўлади. Бу гал ҳам фақат олтин медаль учун курашишга бел боғлаганмиз.

Жаҳон чемпионати олдидан Россияда ўтказилган халқаро турнирда қатнашиб, биринчи ўринни эгалладик. Бу жамоамиз учун ўзига хос синов вазифасини ўтади. Сўнгра, шу ой бошидан пойтахтимиздаги «Чиғатой» олий футбол маҳорат мактаби яшил майдонларида икки босқичда ўқув-машғулот йиғинларини ташкил этдик. Бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган, барча шарт-шароитларни яратиб берган Ўзбекистон футбол федерациясига миннатдорлик билдирамиз.

Шунингдек, жаҳон чемпионатида халқаро тоифадаги ҳакамларимиздан Олег Рубаков (Тошкент) ҳам иштирок этади.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Реклама ва эълонлар



**Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!**

# Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси

**капитал таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб, фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича**
**ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Объект номи ва манзили | Буюртмачи бошланғич нархи (сўм) | | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | | ҚҚСсиз | ҚҚС билан | |
| | ЛОТ 62-2: | | | |
| Лот-1 | Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносини капитал таъмирлаш | 1 005 409 643 | 1 206 491 572 | 7 ой |
| Лот-2 | Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг фасад қисмини капитал таъмирлаш | 358 091 192 | 429 709 430 | 5 ой |

**Қурилиш ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

***Савдо ташкилотчиси*** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

***Буюртмачи***: Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси.

***Манзили***: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй, телефон: (0366) 231-10-93.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан пудрат ташкилотини танлаш фақат давлат реестрига кирган ташкилотлар ўртасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан, пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағ ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: ***Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2-Д корпус, 403-хона, тел.: 231-13-51, факс: 233-32-00.***

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси биносида соат 10:00 да ўтказилади.

# «BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ

## Бухоро вилоят филиали очиқ танлов савдоларига таклиф этади

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро вилоят, Жондор тумани ҳокимининг 2014 йил 7 сентябрдаги 759-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга Бухоро вилояти, Жондор тумани, Зарафшон ҚФЙ Тобагар аҳоли пункти ҳудудидан қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи такрорий танлов савдоларига қўйилмоқда:**

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун 40,0 кв.метрдан иборат бўлган 3 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 16 533,60 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Жондор тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомалар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва 2014 йил 29 декабрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Жондор туман ҳокимлиги биносида 2014 йил 30 декабрь куни соат 11:00 да очилади ва соат 14:00 да таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2014 йил 30 декабрдаги танловда сотилмаган тақдирда, такрорий танлов савдоси 2015 йил 7, 14, 21 январь кунлари соат 11:00 да ўтказилади.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Жондор туман ҳокимлиги биносида 2015 йил 7, 14, 21 январь кунлари соат 11:00 да очилади ва соат 14:00 да танлов ғолиби аниқланади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқ бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ДТ «Халқ банки» Бухоро филиалидаги, ҳисоб-рақами: 20208000600251607001, МФО 00116, СТИР 302668377 тўлаши шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Тел.: (+99893) 960-69-00, Факс: (+99865 221-54-43) www.bgr.gl.uz

***Хизматлар лицензияланган.***

# «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

## 2015 йил 8 январь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларини ўтказади

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Мустақиллик майдони 5-уйда жойлашган Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси балансидаги, умумий бошланғич нархи 13 457 600 сўм бўлган қуйидаги 12 дона компьютер техникаси мужассам ҳолда қўйилади:

| № | Номи | Сони |
|---|---|---|
| 1 | HPdx2400MTE-2180 Pentium 4 (материнская плата G33. Процессор Dual Core Pentium 2180 DDR 1gd. HDD 160GB) | 6 |
| 2 | Монитор LCD 19 «Samsung» | 1 |
| 3 | LCD monitor 17 | 6 |
| 4 | HPdx2400MTE-2180 Pentium 4 (материнская плата G33. Процессор Dual Core Pentium 2180 DDR 1gd. HDD 160GB) | 6 |
| 5 | Монитор LG LCD 17 | 4 |
| 6 | Монитор LCD 19 «Samsung» (920NW) | 1 |

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пули «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб-рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур мол-мулк юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу мол-мулк ва уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).**

**Мурожаат учун алоқа воситалари:** телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

**Гувоҳнома № 005357**

# «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

## 2014 йил 30 декабрь ва 2015 йил 6, 8, 13 январь кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этиладиган савдоларга таклиф этади

Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз улушлари қўйилади:

| Т/р | Объект номи | Сотилаётган объект | | Савдоларга қўйилаётган объект бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Манзили | Асосий фаолият йўналиши | Сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «ANDIJON CHARM» МЧЖ | Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Оқтепа қишлоғи | Йирик ва майда шохли мол терисини қайта ишлаш ҳамда чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 6 003 004 740,0 | 2 943 226,49 |
| 2. | «SOGDIANA PIPEPLAST» МЧЖ | Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй | Полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш | 3 145 245 000,0 | 1 542 089,14 |
| 3. | «GAZALKENT STONE» МЧЖ | Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Заводская кўчаси, 1-уй | Гранит ва мармар плиталар ишлаб чиқариш | 5 790 000 000,0 | 2 838 791,92 |
| 4. | «XUMO TO'QIMACHI» МЧЖ | Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Наврўз шоҳ кўчаси, 2-уй | Ип-калава ишлаб чиқариш | 10 454 271 000,0 | 4 747 194,17 |
| 5. | «POYTEKS» МЧЖ | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Трудовая кўчаси, 4-уй | Классик ва спорт туридаги эркаклар пайпоғи, пахта ипидан тайёрланадиган боғлам материаллари ва тиббий бинтлар ишлаб чиқариш | 1 940 000 000,0 | 850 772,71 |

**Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш шартлари:**

Савдо ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган маблағни савдо ўтказилгандан сўнг, бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб-рақамига тўлаши шарт.

Савдо объекти, хўжалик жамияти фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиш шарти билан сотилади.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоиз ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмиллийбанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 7 йилдан ошмаслиги лозим.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариал тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), савдо ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар, савдо ташкилотчисининг савдони ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажатлар харидор ҳисобидан амалга оширилади.

**Савдоларда иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:**

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, савдода иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, савдода ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— эълонда кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига закалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

— икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни уз ичига оладиган талабгор таклифлари:

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар томонидан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотувга қўйилаётган «Andijon charm» МЧЖ, «Sogdiana pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent stone» МЧЖ, «Poyteks» МЧЖдаги улушлар бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида ҳамда «Xumo to'qimachi» МЧЖдаги улуш бошланғич баҳосининг 3 фоизи миқдоридаги закалат пулларини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлаши лозим: 2020 8000 704 923 918 001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни ҳамда буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо ўтказиш бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишиш мумкин.

Савдоларга тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11:00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).**

**Мурожаат учун манзил ва алоқа воситалари:**

**Сотувчи (Банк):** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй, телефон: 234-11-22, 234-15-60, телефакс: 234-43-31.

**Савдо ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

**Гувоҳнома № 005357**



Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Хоразм вилоят кенгаши партия фаоли, халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси

**Санобар БОТИРОВА**нинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси Косон туман партия кенгаши раиси Султонмурод Раҳимовга падари бузруквори

**ТЎХТАМИШ ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.




MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 1159
13133 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 01.25
Topshirilgan vaqti — 02.25
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5